



[Бош саҳифа](#) > Тақдирлаш маросимидаги қизиқ ҳолат: Ўзбекистонлик кинологлар учинчи эмас, иккинчи ўрин билан тақдирланди

12.08.2019



Москва вилоятининг Дмитров шаҳрида Халқаро армия ўйинлари доирасида ўтказилган “Содиқ дўст” мусобақаси ўз ниҳоясига етиб, унда вакилларимиз 3-ўринни қўлга киритгани ҳақида хабар берган эдик.

Аммо 11 август куни бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида қизиқ бир ҳолат бўлди. Яъни унда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган юртдошларимиз 3-ўринга эмас, шоҳсупанинг 2-ўринига муносиб кўрилди.

Гап шундаки, яқунда Ўзбекистон билан Беларусь жамоалари деярли тенг балл йиғишган эди. Шунга кўра, биринчи ўринни Россия Федерацияси, иккинчи ўринни Беларусь ва учинчи ўринни Ўзбекистон жамоаси қўлга киритгани ойдинлашди. Аммо 11 августда бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида мамлакатимиз номидан қатнашган шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Содиқ Дилмуродовнинг “Клифт” лақабли хизмат ити билан рекорд ўрнатгани ҳакамлар ҳайътининг қарори ўзгаришига сабаб бўлди!

– Тақдирлаш маросими бўлаётган пайт бизни ва Беларусь жамоаларини иккинчи ўрин соҳиби, дея эълон қилишди, табиийки, биз бундан ҳайратга тушдик, – дейди вакилларимизга раҳбарлик қилган подполковник Улуғбек Жўраев. – Кейин билдикки, ўша рекордчимиз бизни учинчи ўридан иккинчи ўринга олиб чиққан экан. Барибир яхши бўлди. Учинчи ўрин эса ўз-ўзидан баллар ҳисобида биздан кейинда келаётган Қозоғистон жамоасига насиб этди.



Кинологларимиз ва ватандошларимизни ушбу ғалаба билан яна бир бор қутлаймиз.

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти

55 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [Очиқ маълумотлар портали \(data.gov.uz\) вазифалари](#) [3]
- [Суд эшиклари халқ манфаатлари учун ҳамиша очиқ](#) [4]
- [Маиший ҳисоблагичларнинг даврий қиёсловдан ўтказиш муддатлари 4 йилдан 8 йилга узайтирилди](#) [5]
- [Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонга жўнаб кетди](#) [6]
- [Газетанинг 2019 йил 33 сони нашрдан чиқди](#) [7]
- [Ўзбекистонлик ҳарбий алпинистлар Эльбурсни, ҳарбий разведкачилар эса Тар чўлини забт этди \(фото\)](#) [8]
- [“Қурол тўғрисида”ги қонун олти ойдан кейин кучга киради](#) [9]
- [Разведкачилар “АрМИ – 2019” мусобақасида иккинчи ўринни эгаллашди](#) [10]
- [Адлия вазири: Жамоатчилик кенгашлари учун янги даври бошланди](#) [11]
- [Мудофаа вазирлигида ҳарбий мобил инновацион тиббий марказ яратилди](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=rुकnлар/4963>

Ссылки

[1] <http://insonvaqonun.uz/print/4963>

- [2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4963>
- [3] <http://insonvaqonun.uz/node/4992>
- [4] <http://insonvaqonun.uz/node/4991>
- [5] <http://insonvaqonun.uz/node/4990>
- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/4989>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/4987>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/4981>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/4980>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/4977>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/4976>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/4973>